O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Бугун Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг Амир Темур залида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи очилади

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 2-iyul • Shanba • 80 (27.415) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида партиянинг V қурултойи делегатлари рўйхатдан ўтдилар.

СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ЙИҒИЛИШИ

1 июль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда Сиёсий ижроқўм аъзолари, ХДП Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашларининг раислари иштирок этдилар. Унда 2 июль куни ўз ишини бошлайдиган Ўзбекистон Халқ демократик партияси V қурултойига оид масалалар кўриб чиқилди:

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



Суратларда: делегатларнинг рўйхатдан ўтиш вақти.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар



СЎЗ — ДЕЛЕГАТЛАРГА

Саденбай НУРМАНОВ, Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши раиси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси маълум ривожланиш босқичидан ўтиб, ўз ғоялари ва амалий ишлари билан жиддий сиёсий кучга айланмоқда. Мамлакатимиз сиёсий майдонида етарли тажриба тўплаб, парламентда ва ҳокимият вакиллик органларида ўзига муносиб депутатлик ўринларини эгаллади.

2004 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган IV қурултойда партиямиз ўзини мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, деб эълон қилди. Демак, Ўзбекистон ХДП олдида одамлар дарди билан яшаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, Ватан равнақи, инсонлар бахт-саодатини таъминлаш, ҳақиқий парламент партияси, парламент озчилиги мухолифати сифатида фаол ҳаракат этиш вазифалари турибди. Зеро, замоннинг, даврнинг ўзи партиямиз Дастурини янгилаш, унда сўллик ғояларидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаш талабини қўйди. Шунинг учун ҳам бугун бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ХДП V қурултойи кун тартибига партиямиз янги Дастурини қабул қилиш масаласи киритилган. Янги ҳужжатда партиямизнинг сиёсий позициясига янада аниқлик киритилиб, унинг қиёфаси, сиёсий майдондаги ўрни ва роли, курашиш мақсадлари ва вазифалари ҳозирги замон талаблари асосида янги қоидалар билан бойитилади. Бу Дастур энди Ўзбекистон ХДПнинг ҳақиқий маънода муҳолиф партия бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

Партиямиз сиёсатининг бош мақсади, марказий масаласи — халқ фаровонлигига эришишдир. Қузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун Ўзбекистон аҳолисининг қарийб учдан бир қисми физиологик меъёрлар даражасида озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларини истеъмол қилиш учун етарли даромадга эга эмас. Бинобарин, бу камчиликлар бартараф этилмагунча, умуммиллий манфаатимиз — Озод Ватан гуллаб-яшнашига эришиш мумкин эмас.

Алишер МАМАТМУРОДОВ, Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси:

— Жамиятдаги барча сиёсий партияларнинг асосий мақсади битта — жамият ва давлат равнақи, инсонлар фаровонлигини таъминлаш, Ватан манфаатларига хизмат қилиш. Лекин ҳар бир партия бу борада ўз йўлига, сиёсий позициясига эга бўлиши лозим. Ўзи олға сураётган дастурнинг бошқаларникидан афзалроқ эканлигини кўрсатиши керак. Бу дастур ниҳоятда содда ва тушунарли бўлиши, бажарилиши аниқлиги билан жамият аъзоларини ўзига жалб этиши керак. Ана шундагина партия ҳақиқий мухолифатга айланади.

Халқ демократик партияси энди янги шароитда, кўппартиявийлик тизими тобора шаклланиб бораётган бугунги кунда Дастуридаги умумийликлардан воз кечишига тўғри келади. Партиямиз жуда катта илмий, ижодий потенциалга, қарийб 14 йиллик тажрибага эга. Бошқа сиёсий партиялардан кескин фарқ қиладиган устунликларимиз бор.

Ҳар бир партия жамиятнинг у ёки бу қатламининг муаммоларини кўтариб чиқиши, маълум қатлам манфаатини ҳимоя қилиши керак. Шунинг учун ҳам партиямиз эълон қилган позицияси чуқур ўйланиб қўйилган қадамдир. Шу йилнинг 28 январь куни Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисида партиямиз раҳбари баёнот бериб, Ўзбекистон ХДП Қонунчилик палатасидаги энг кўп вакилга эга бўлган ЎзЛиДеПга мухолиф эканлигини эълон қилди. Бу шунчаки, оддий бир воқеа эмас. Бу таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизда сиёсий мухолифат вужудга келганлигининг бошланиши эди.

Биз ўзининг либерал демократик ғоялари билан сайловчилар орасида таъсир ўтказишга интилаётганларни асосий рақибларимиз, деб ҳисоблаймиз. Партиямиз либерализм ғояларини инкор этмайди. Лекин, уларнинг илгари сураётган ғояларини мутлақо идеаллаштириб бўлмайди. Бугун бўладиган қурултойимизда бу масалаларга ҳам ойдинлик киритиб, бундан буёнги йўналишимизни аниқ белгилаб оламиз.

Шоирахон АБРОРОВА, Поп тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Бу галги қурултойнинг тарихий аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён. Чунки, партиямизнинг ўтган қурултойида қабул қилинган Сайловолди Платформасида жуда катта масъулиятни зиммага олганмиз. Ушбу белгиланган мақсадларимизнинг амалий ижросини таъминлаш йўл-йўриқларини ҳам аниқлаб олмоғимиз зарур.

Бугун мамлакатимизда ишловчилар манфаатини ҳимоя қилиш масалалари бус-бутунлигича муаммо бўлиб турганини бир дақиқа ҳам назардан қочиришга ҳаққимиз йўқ. Аввало, фарзандларимиз тарбияси, таълими масаласида: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синфидан кейин ўқувчилар ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ўқийдилар. Афсуски, коллеж талабаларининг ижтимоий муҳофазаси умуман таъминланмаган. Қолаверса, коллежни тамомлаганларнинг аксарияти ўзига муносиб иш тополмасдан овора. Биз бу масалада партиявий ёндашувни чуқурлаштиришимиз зарур. Сўллик позициясида ислоҳий жараёнлардаги муаммоларнинг ечимини топиш бўйича халқ бизга умид билан қараб турибди. Айниқса, сайловлар олдидан партиямиздан кўрсатилган номзодларимиз Платформадаги мақсадлардан келиб чиқиб, партия тарғиботини анчайин ишонарли олиб боришганди. Демак, эндиликда биз учун овоз берган фуқаролар мухолифатдаги сиёсий куч, деб қаралаётган партиямиздан амалий натижалар ҳисобини талаб қилишга ҳақли. Мен бевосита хотин-қизлар билан ишлаётганим учун уларнинг айнан бизнинг партияга қанчалик умид билан қарашларини ҳис этаман.

Мен қурултойда қабул қилинажак Дастурда бошланғич тузилмаларимиз, айниқса, туман партия кенгашлари ва депутатлар гуруҳларининг мавқеи кескин оширилиши керак, деб ҳисоблайман. Бу эса амалий натижаларга эришувимизга боғлиқ.

2-бет

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР:

МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари профессорлари, ўқитувчилари, шунингдек, молия-хўжалик идоралари ва муассасалари амалиётчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Республика Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Иқтисодиёт, Молия, Адлия вазирликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари ўз маърузаларида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, хусусан, ўқув юртлари талабаларига муфассал етказиш масалаларига эътибор қаратдилар.

Нотиқлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** (13.06.2005 й.), **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** (14.06.2005 й.), **«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** (20.06.2005 й.) ва **«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»**ги (24.06.2005 й.) Фармонлари ўта муҳимлиги ва ўз вақтида қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб, уларда белгилаб берилган чора-тадбирлар жамиятни демократлаштириш, янгилаш ва мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми эканлигини айтиб ўтдилар.

Тадбир сўнггида семинар иштирокчилари маърузачилардан ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоблар олишди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

САРИОСИЁЛИК СПОРТЧИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спорти ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизнинг шаҳар, қишлоқ, овул ва гузарларида бунёд этилаётган юзлаб стадион, спорт мажмулари бунинг яққол исботидир.

Жорий йил бошларида Сариосиё туманида ҳам ана шундай муҳташам спорт мажмуи фойдаланишга топширилган эди. 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган ушбу мажмуада бугунда 100 нафарга яқин йигит-қиз футбол, волейбол, теннис, мини футбол, бадиий гимнастика, кураш ва бошқа спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Юртбошимиз шу йилнинг 16 июнь куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарёда бўлганида, ушбу мажмуага ҳам ташриф буюрган эди. Ёшлар билан дилдан суҳбат қуриб, эсдалик учун суратга тушган эди.

Куни кеча эса ёш спортчилар ҳаётида яна бир унутилмас воқеа бўлди. Юртбошимизнинг бир гуруҳ спортчи ҳамда мураббийлар билан тушган эсдалик суратининг портретлари ҳамда спорт кийимлари жамланмасидан иборат совға-саломлар ёшларга топширилди.

— Ҳозирги қувончларим ниҳоятда чексиз, — дейди тумандаги футбол мактабининг 9-синф ўқувчиси Бекзод Раҳмонов. — Яқинда ушбу мажмуада Президентимиз билан суратга тушиб роса қувонгандим. Бугун уни қабул қилиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Президентимиз биз, сариосиёлик спортчилар учун махсус совғалар ҳам юборибдилар. Биласизми, бундай онлар ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Юртбошимизни ишонтириб айтаманки, биз ёшлар обод юртни, Мустақил Ўзбекистонни ҳеч қачон, ҳеч кимга бермаймиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам».

Ёшларга Президент совғаларини туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда Маъдиев топширди. Тантанада вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Илҳомжон Абдусатторов, туман халқ таълими бўлими мутасаддилари, ота-оналар иштирок этишди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: совғаларни топшириш пайти.

Сафарали ЭШМИРЗАЕВ олган сурат

Иқтисодиёт: далил, таҳлил ва шарҳ

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ФАРМОНЛАРИ ВА ҚАРОРИ БУ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧДИ

БАРҚАРОРЛИКНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тармоқни жадал тараққий эттириш ва яқин йиллар ичида иқтисодиётдаги улушини 45 фоизга етказиш, кичик бизнес ҳамда фермерликни ривожлантириш билан боғлиқ стратегик вазифаларни белгилаб берган эди.

Ўтган вақт ичида бу соҳага доир амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлар нечоғли талабга жавоб бериши ўрганиб чиқилди. Ва бу соҳани жадал ривожлантиришга халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга эътибор қаратилди.

Ўтган ой давомида эълон қилинган Президент Фармонлари ва қарори моҳият эътирофи билан шунга хизмат қилади. Улар бошланган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, миллий иқтисодиётимизда хусусий секторнинг улушини янада ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги бир даврни бошлаб берди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ушбу ҳужжатларнинг кенг кўламли аҳамияти ҳақида фикр юритар эканмиз, беихтиёр тадбиркорликка эскича муносабатлар хаёлимиздан ўтади.

Бир вақтлар мулк эгаси бўлган одамлар, қўли гул косиб ва ҳунармандлар, бир парча ери бор яккаҳол деҳқонлар жамият ҳаётидан четга чиқариб ташлангани, қатағон этилгани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Иттифоқ даврида ишлаб чиқариш ҳақида сўз кетганда фақат минг-минглаб кишилар ишлайдиган йирик корхоналар кўз олдимизда намоён бўлар эди. Кичик корхоналарнинг афзалликлари эса умуман тан олинмасди.

Ҳолбуки, ривожланган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси аллақачон иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланган.

Истиқлол даврида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик, ишбилармонлик фазилатлари, ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш хислатлари, миллий ҳунармандчилик ва косибчилик, бир сўз билан айтганда, инсонга Аллоҳ инъом этган қобилиятлар рўёбга чиқиши ва турмуш фаровонлиги учун хизмат этишга шарт-шароит яратилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиёт таркибида хусусий сектор етакчи ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозир ишбилармонлар бирим икки бўлсин, оилам фаровон турмуш кечирсин, юртим бойисин, деб елиб-югурадиган ва ёниб яшайдиган замон келди. Зеро, давлатимиз уларнинг йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаб, барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда, мулкдорлар синфи қўллаб-қувватланмоқда ва имтиёзлар яратилмоқда.

Шу ўринда айтиш керак, одамларнинг тадбиркорликка муносабатини ўзгартириш осон бўлаётгани йўқ. Биз яқин йилларда ҳам бу соҳа ривожига кўпчилик шубҳа билан қараб келганини яхши биламиз. Ҳатто, айрим тадбиркорларнинг ўзи эртага давлат сиёсати ўзгариб кетса, куйиб қолмаймизми, деган ҳадик билан яшар эди.

2-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04,
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Иқтисодиёт: далил, таҳлил ва шарҳ

КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқин ўтмишдан қолган мана шу асорат уларнинг ўз фаолиятларини кенгайтиришга халақит берарди. Энг ёмони, Юртбошимиз таъкидлаб айтганидек: **«Аксарият кишилар онгида тадбиркор дегани — бу ҳуқуқбузарликка мойил, қандайдир текин даромад ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган нотўғри тасаввур ва қарашлар, афсуски, йўқ эмас»** эди.

Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, ижтимоий барқарорликни таъминлашда тутган ўрни ҳақида жамоатчиликда тўғри тушунча шакллантирилди, тадбиркорликнинг келажагига қатъий ишонч уйғотилди.

Энг муҳими, халқимизнинг менталитети, унинг асрий интилишларидан келиб чиқиб, кишиларнинг бўғиб ташланган яратувчилик ғайрат-шижоати яна қанот ёзиши учун мустаҳкам замин яратилди.

Кичик бизнес тараққиётига қаратилган ҳуқуқий асослар, имтиёз ва кафолатлар, институционал тузилмалар яратилганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Тадбиркорлар ҳуқуқлари давлатимиз томонидан ҳимоя қилиб келинмоқда.

Бу улкан жараён мазкур соҳага бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборгани айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорларга кредит бериш тизими такомиллашиш билан бирга, соддалашиб бормоқда. Шунингдек, микрокредитлар ажратиш механизми ҳам ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Тадбиркорлик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишга ёрдам бериш тизими шакланди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ахборот-маслаҳат марказлари ва бизнес инкубаторлар иши изчил йўлга қўйилди.

Маълумки, ўтган йили Президент Фармонига биноан Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси негизида Савдо-саноат палатаси ташкил этилди. Мазкур Палата зиммасига тадбиркорларнинг хорижий шериклар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кенг хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш ва бошқа кичик ҳамда хусусий бизнесни жадал ривожлантиришга доир қатор вазифалар юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, хорижий давлатларда, биринчи навбатда Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Германия Федератив Республикасида Палата ваколатхоналарини (жумладан, савдо-инвестиция уйлари шаклида) очишга қарор қилинди. Мазкур ваколатхоналарнинг ташкил этилиши, биринчи навбатда, кичик корхоналар ўз маҳсулотларини четга сотишга ҳамда хориждан серунум, замонавий минитехнологиялар олиб келишига кенг имкониятлар яратади.

Бугун тадбиркорлик катта ва равон йўлга чиқди, десак, хато бўлмайди. Бу соҳа замоннинг юрак уришини чуқур ҳис этиши ва доимо янгиликка интилиши билан иқтисодиётнинг қон томирларига жўшқинлик ва қайноқлик бағишламоқда, энг муҳими, халқимиз табиатида минг йиллардан буён яшаб келаётган яратувчилик даҳосини рўёбга чиқаришга, бунёдкорлик кўлам касб этишига хизмат қилмоқда.

Бир вақтлар «бизнес» деган сўз эшитмаган қулоққа ғалати туюлган бўлса, эндиликда бу соҳасиз ҳаётимизни тасаввур этишимиз қийин.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳолининг иш билан таъминланиши, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг таркиби кўп жиҳатдан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига бевосита боғлиқдир.

Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, халқимизнинг ислоҳотлар йўлига қатъий ишончи, тадбиркорларнинг янгиликка интилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги амалий натижалар яққол кўзга ташланиб қолди.

Ҳозир миллий иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикамизда 2005 йил 1 январь ҳолатига 277,4 мингта кичик корхона рўйхатга олинган. Уларнинг 93,5 фоизи микрофирмалар ва 6,5 фоизи кичик корхоналардан иборатдир. Фақатгина 2004 йилнинг ўзида 51,7 минг янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилинди.

Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 35,6 фоизи яратилди. Агар биз 1991 йили кичик корхоналарнинг улуши атиги 1,5 фоизни ташкил этганини эсга олсак, ўтган вақт ичидаги тараққиёт яққол кўзга ташланади. Эндиликда саноат маҳсулотининг 10,7 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 80,9 фоизи, бажарилган қурилиш ишларининг 48,5 фоизи айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Мамлакатимиздаги банд аҳолининг 60,9 фоизи кичик тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани ҳам эътиборга молик, албатта.

Шуни ҳам айтиш керакки, аҳоли даромадларида тадбиркорлик фаолиятидан, деҳқон ва фермер хўжалигидан олинаётган даромадлар улуши ҳам ортиб бормоқда.

Энг муҳими, тадбиркорлар мамлакат бозорларига қут-барака киришига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлган кўпдан-кўп тадбиркорлар ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобига мактаб, боғча, шифохона ва гузарлар барпо этаётгани, камхарж оилаларга саховат кўрсатаётгани кўнгилга равшанлик бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **«Шуниси эътиборлики, бундай одамлар йил сайин кўпайиб бормоқда, улар, таъбир жоиз бўлса, барқарорликнинг асосий кафолатига, жамиятимизнинг тараққиёт ва юксалиш сари боришида мустаҳкам таянч ва ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда».**

Ўзбекистонимиз ўз танлаган йўлига собит эканини кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир яқинда қабул қилинган Президент Фармонлари ва қарори, уларнинг ҳаётийлиги мисолида яна бир бор кўрсатди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши юртимизда тадбиркорлик фаолияти янада чуқур илдиз отиши ва равнақ топиши учун янги бир даврни бошлаб берди.

Ушбу ҳужжатлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг мантиқий давомидир.

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОН

Президентимизнинг янги Фармонларидан бири **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** бўлиб, мазкур ҳужжат тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари кучли ҳимоя қилинишига, назорат органлари уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олиш ҳамда асоссиз чекланишларга йўл қўймасликка қаратилгандир.

Ушбу Фармонда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб қўйилган.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ёхуд бекор қилиш фақатгина суд орқали қўлланилиши амалиётга киритилди.

Бундан буён тадбиркорларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд қарори орқалигина қўлланилади. Улар турли хил назоратчилар билан тортишиб умр ўтказмайди, балки ўзларининг қимматли вақтини ишга, асосий фаолиятига бағишлайди. Бу ўз навбатида турли ташкилотларга ноқонуний тўловлар тўлашни камайтиради.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини текшириш — белгиланган тартибда — фақатгина давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилиши жорий этилди. Текширув жараёнида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан текширув амалга оширилади.

Бу тартиб, ўз навбатида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар сони кескин камайишига олиб келади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларини муқобил текшириш фақат кўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор, ёки бўлмаса, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори асосидагина ўтказиш мумкин.

Текширув ўтказиш жараёнида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширувга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян ман этилган.

Мазкур ҳужжатда назорат органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулияти, шунингдек, жавобгарлигини кучайтириш мақсадида уларнинг тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича текширувлар ўтказган ҳолатда шахсан жавобгар бўлиши, айтиш керакки, жиноий жавобгарлиги белгилаб қўйилгандир.

Шунингдек, Фармонга кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари туфайли ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорга зарар етказилса, суд қарори асосида зарар етказган орган томонидан қопланади.

Шу йилнинг 24 июнида қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»**ги Президент Фармони хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим амалий аҳамиятга молик.

Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилгандир.

Шунингдек, материаллар суд органларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой муддат ичида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган тадбиркорлик субъектлари молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилади.

Давлатимиз раҳбарининг **«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** 2005 йил 20 июндаги Фармони кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш ва уларни тўлашда қулайликлар яратишга қаратилган.

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Агар микрофирмалар ва кичик корхоналар аввал жами қўшиб ҳисоблаганда 15,2 фоиз ягона солиқ (12%), Пенсия жамғармасига (0,7%), Республика йўл жамғармасига (1,5%) ва Мактаб фондига (1,0 %) мажбурий ажратмалар тўлаган бўлса, бундан буён жами 13 фоиз ягона солиқ тўлови тўлайди. Демак, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юки 2,2 фоизга камайди. Ундан ташқари, кичик бизнес субъектлари 4 хил солиқ ва тўловлар ўрнига битта солиқ тўлови тўлашлари муносабати билан солиқ ҳисоб-китоблари анча енгиллашади.

Маълумки, аксарият ҳолларда кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятининг биринчи йилида олган кредит ва қарзларни қайтариш, айланма маблағ етишмаслиги, ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш жараёнида молиявий қийинчиликларга дуч келади.

Мана шундан келиб чиқиб, Фармонда янги ташкил топган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш муддати бир йилга кечиктирилиши белгилаб қўйилгандир.

Мазкур имтиёз ўз навбатида тадбиркорлар ўз ишини йўлга қўйиб олиши, айланма маблағлар тўплаб олиши ва шу ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириши учун қулай имконият яратади. Бундан оқилона фойдаланган киши йилдан-йилга рақобат кучайиб бораётган бир вақтда товарлар ва хизмат кўрсатиш бозоридан муносиб ўрин эгаллайди.

Тадбиркорларни анчадан бери қийнаб келаётган яна бир масала — статистик ҳисоботлар бериш тизимининг мураккаблиги эди.

Бу муаммо ҳам Президентнинг **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»**ги қарори туфайли ўз ечимини топди.

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ органларига одатдагидек **ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда бир марта тақдим этади.**

Шунингдек, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ҳамда бошқа юқори бошқарув органлари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда қайд этилган ҳисобот, маълумот, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Мазкур тартиб бузилган ҳолатда давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари суд қарори асосида тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарни тўлаши белгилаб қўйилгандир.

Ушбу қарор тадбиркор ҳар чоракда солиқ идорасига бўсчининг мокисидек неча бор қатнашига, бошқарув органларига қўшимча ахборот беришига, қанчадан-қанча асабийликларга чек қўяди.

Шунингдек, мазкур қарорда Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси зиммасига тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларига қатъий риоя этилиши; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига эса Бош прокуратура билан бирга, мазкур ҳисоботларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, ноқонуний ҳисоботлар талаб қилинган ҳолатларда, айбдор бўлган шахсларнинг муқаррар жазоланишини таъминлаш вазифаси юклатилгандир.

Айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш, кичик бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномалар бериш, уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш ва такомиллаштириш каби қатор муҳим масалалар бўйича янги бир қатор Қонун, Фармон ва ҳукумат қарорлари қабул қилинади.

Уларнинг рўйхати, қабул қилиш муддатлари шу йилнинг 14 июнида қабул қилинган **«Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент Фармонида аниқ белгилаб қўйилган.

ЯНГИЛИККА, ЯРАТУВЧИЛИККА ИШТИЁҚ...

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жиддий эътибор қаратилаётганининг сабаби шуки, бу қатлам ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, шунга эришиш учун ўз имкониятларидан омилкорона фойдаланиши ва янгиликнинг изидан қувиши билан ажралиб туради. Уларнинг эзгу мақсад йўлидаги доимий саъй-ҳаракати, муттасил изланиши ва янгиликка қўл уришдан чўчимаслиги маҳсулотларнинг янги хиллари юзага келишига омил бўлмоқда, бинобарин, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар жараёнини тезлаштирмоқда.

Қолаверса, иқтисодий ва молиявий имкониятлар нисбатан чекланган ўтиш даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтириш нисбатан кам маблағ талаб этади. Шу билан бирга, ўз ишини очишга иштиёқманд кишилар ўз қўлидаги сармоясини ишлаб чиқаришга жалб этишга ундайди.

Агар биз жаҳон тажрибасига назар солсак, компьютер, кўпдан-кўп электр асбоб-ускуналари ва бошқа қатор йирик ихтиролар айнан шу соҳада яратилганига гувоҳ бўламиз. Мана шунинг ўзиёқ кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик инсон имкониятлари ва унинг салоҳиятини рўёбга чиқаришда нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини ўзида намоён қилади.

Иқтисодий ривожланган давлатларга нисбатан тараққиёт йўлига анча кечроқ кириб келган Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг қисқа вақт ичида эришган ютуқларининг замирида ҳам айнан кичик тадбиркорликка жиддий эътибор қаратилгани ётибди.

Охирги 10-15 йилда иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги билан дунёда ажралиб турган Хитой Халқ Республикаси ҳам айнан ушбу соҳага жиддий эътибор қаратганлиги туфайли катта ютуқларга эришмоқда.

Масалан, аҳоли сони Ўзбекистонникига яқин бўлган, ҳудуди жиҳатидан эса 15 марта кичик Хитой Тайпейи (Тайвань)да 1 миллиондан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили 100 мингдан ортиқ янги фирма рўйхатдан ўтади. Фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарда 7 миллиондан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ҳар бир фирмага ўртача 7 киши тўғри келади.

Бизнес соҳасида арзимаган маблағ билан иш бошлаган, ўзига ишончи, узоқни кўра билиши, тиниб-тинчмаслиги ва қатъияти туфайли улкан муваффақиятларга эришган ишбилармонлар оз эмас, албатта.

Масалан, Японияниг машҳур «Ямаха» трансмиллий компанияси ўз фаолиятини етти киши ишлайдиган велосипед таъмирловчи кооператив шаклида бошлаган эди. Ёки бўлмаса, портатив компьютерлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўрин эгаллайдиган «Асер» компанияси бундан 25 йил аввал давлатнинг имтиёзли кредити ҳисобига иш бошлаган кичик бир корхона негизида шакланди.

Хорижий тажрибадан кўриниб турибдики, ҳали бизда кичик бизнесни ривожлантиришда фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд. Уларни ишга солиш мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг ўсиш суръатларини янада тезлаштиради. Аҳоли турмуш даражасини кўтаришга хизмат қилади.

Энг муҳими, кичик ишлаб чиқариш ўзаро рақобатнинг кучайиши, ишлаб чиқаришнинг тез ўзгариб туришига мослашиши ва индивидуаллашувига хизмат этади. Кичик бизнеснинг ўзгарувчан шарт-шароитга тез мосланувчанлиги уни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлайди.

Саноат жиҳатидан ривожланган давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, уларда катта бизнес кўп жиҳатдан кичик ишлаб чиқаришга боғланиб қолган. Масалан, Германиянинг «Фольсваген» ва «Даймер-Бенц» корпорацияларида енгил автомобилларнинг умумий таннархида кичик фирмаларда ишлаб чиқарилган бутловчи қисмлар 60 фоизни ташкил қилади. Американинг «Форд» ва «Дженерал моторс» корпорацияларида эса бу кўрсаткич 50 фоизни, Японияниг «Тойота» ва «Ниссан» автомобиль компанияларида 70 фоизни ташкил этади.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг реал сектори, айниқса, саноат тармоқларида майда ва хусусий ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш ғоят самаралидир.

Маълумки, юртимиздаги шарт-шароит кичик бизнес ва тадбиркорликни истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янада жадал ривожлантиришни талаб этади.

Шу билан бирга, автомобилсозлик, электроника, ёқилғи-энергетика, кимё ва бошқа базавий тармоқларда ҳам асосий ишлаб чиқариш учун ниҳоятда мураккаб бўлмаган бутловчи қисмларни кичик, хусусий цехларда ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш катта самара беради.

Бунда йирик корхоналар билан кичик корхоналар ўртасида кооперация жараёнини изчиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу тарика ўзаро манфаатли информация, технология, хомашё, кадр ҳамда молиявий ресурслар айирбошлаш йўлга қўйилади, аниқ қилиб айтганда, тадбиркорлар бозор инжиқликларидан ҳимоя этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президент Фармонлари ва қарори билан тадбиркорларга қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратилганлиги, солиқ имтиёзлари берилганлиги ҳар бир шахс ўзининг имконият ва хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, ўз кучини синаб кўриши, омилкор кишиларнинг тадбиркорлар сафидан ўрин олиши учун янада кенг имкониятлар очади. Айниқса, ёшларнинг бу соҳада ўз бахтини синаб кўришига янада ижобий таъсир кўрсатади.

Якуний натижада, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг жадал ривожланиши, иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ортиши ҳамда эркинлаштириш жараёни тезлашиши учун шарт-шароит туғдиради. Энг муҳими, Ватанимизнинг табиий ва ишлаб чиқариш имкониятидан, юртдошларимизнинг яратувчилик салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланишга кенг йўл очиб беради.

Авазбек СОДИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди

СЎЗ — ДЕЛЕГАТЛАРГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олим РАВШАНОВ, Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

— Ҳар бир сиёсий партиянинг фаолиятида тарғибот-ташвиқот, оммавий-сиёсий ишлар энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро, бу орқали сиёсий партиялар жамият ҳаётида ўзининг мустаҳкам мавқеига эга бўлиш билан бир қаторда, ўз сафларини янада кенгайтириш, хайрихоҳларни кўпайтириш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, бу ишлар ўз ўрнида, партия аъзоларининг сиёсий тафаккур ва маданиятини янада юксалтириш, партиянинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенгроқ оммалашиши учун замин яратади.

Ўтган йил сайловларга тайёрланиш жараёнида партиямиз ўзининг сиёсий позициясига аниқлик киритди ва сиёсий Платформасини қабул қилди. Унга асосан, партиямиз ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, яъни сўл йўналишдаги сиёсий партия, деб эълон қилди. Эндиликдаги асосий вазифа тарғиботташвиқот ишларининг замонавий шакл ва воситаларидан фойдаланиб, партиямиз сиёсатини, хусусан, унинг сўл позицияси мазмунмоҳияти ва аҳамиятини ўрганиш, тушуниш ва кенг тарғиб қилишдан иборат. Бу иқтисодиётни бозор талаблари асосида шакллантиришни қўллаб-қувватлаб келаётган партиямизнинг ислоҳотлари ижтимоий самарасини ошириш, меҳнат бозоридаги иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда ишловчилар манфаатини ҳимоя қилиш, аҳолининг иқтисодий заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялашни давлат томонидан кафолатлашнинг тарафдори эканлигини асослаш учун хизмат қилади. Бу ўз ўрнида, сиёсий рақибларимизнинг Ўзбекистон ХДП тадбиркорлик ва ишбилармонликка қарши чиқмоқда, деган сафсаталарига барҳам беради. Албатта, партия дастурий ғояларининг тарафдорларини кўпайтириш, ўз сиёсатига ишонтиришнинг энг таъсирчан йўли — бу амалий ишлардир. Бунинг учун эса, тегишли молиявий замин ҳам зарур. Бу борада «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун партиямизнинг барча бўғинларида молиявий барқарорлиқ учун кенг истиқболларни очди. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлашдан, шунингдек, давлат бюджети маблағларидан партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга, мақсадли умумпартиявий тадбирларни шунингдек, жойларда турли мавзулардаги тренинг ва семинарлар ўтказиш учун кенг фойдаланади. Хуллас, ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада фаолроқ иштирок этиш учун янги имкониятлар яратилди. Эндиликда, кўп нарса партия ташкилотларига, унинг фаолларига боғлиқ бўлиб қолди. Қайсики, партия ташкилоти, унинг етакчилари замон руҳига мос фаолият юритса, уларга эътибор ҳам бўлади, улар билан ҳисоблашадилар ҳам, уларга хайрихоҳлар ҳам ортади. Бир сўз билан айтганда, энди ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Рейимберган САБУРОВ, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

— Маълумки, аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари партиямизнинг доимий диққат марказида. Жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили, деб эълон қилиниши, айниқса, биз учун айни муддао бўлди. Шундан келиб чиқиб ЎзХДП вилоят кенгаши, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, республика Саломатлик институти Хоразм филиали, вилоят «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси билан ҳамкорликда қатор тадбирларни ўтказмоқда.

Ишсизлик муаммосига қарши курашиш ҳам Платформамиздаги асосий масалалардан бири. Бу вазифани ва партиямизнинг аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш мақсадида партия ташкилотларимиз ҳокимликлар, прокуратура ҳамда «Камолот» ЁИҲ бўлимлари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказишда фаол қатнашмоқда. Урганч шаҳрида февраль ойида ўтказилган ана шундай ярмаркада шаҳар ҳудудидаги 47 та корхона ва ташкилот 204 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. 2005 йилнинг 21-24 май кунлари ҳам Хива туман ва Урганч шаҳар кенгашлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди. Унда Хива туманидаги 26 та корхона ва ташкилотлар 443 та, Урганч шаҳридаги 41 ташкилот 205 та бўш ишчи ўринлари билан қатнашди. Натижада кўплаб фуқароларимиз доимий иш билан таъминланди.

Тўғри, бажарган, олиб бораётган бугунги ишларимиз аслида Платформамизда белгиланган вазифаларнинг бир бўлаги. ЎзХДП парламент типидаги сиёсий партия бўлганлиги учун бизнинг асосий ғояларимиз парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари орқали амалга оширилади. Лекин биз бор имкониятни ишга солиб, иложи борича доим одамлар орасида бўлишга, халқдан узилиб қолмасликка интиламиз. Ўтказаётган тадбирларимизда аҳоли томонидан жуда кўплаб муаммолар кўтарилмоқда. Биз бугун уларни очиқ-ошкора айтишимиз керак. Майли, пенсионернинг оладиган нафақаси миқдорини белгилаш алоҳида масала. Лекин, у нега пенсияни ўз вақтида ололмайди? Нега баъзи ҳудудларда тез-тез электр энергияси, табиий газ таъминотида узилишлар бўлиб туради?.. Бу масалаларни ижобий ҳал қилиш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим бир қирраси-ку. Қолаверса, бизнинг сўллик позициямизнинг ўзи шундай масалаларни кўтаришимизни талаб этаётир.



БОҒЛАРДА ПИШИҚЧИЛИК

Мирқосим отанинг бу йил қувончи чексиз. Унинг икки гектар олхўризорида ҳосил чунонам бўлдики, оилавий пудрат аъзолари уларни териб олишда шошиб қолишди ҳам...

— Бу йил 15 тонна олхўри ҳосили олишни чўтлаб турибмиз, — дейди боғбон мамнуният билан. — Йиғиб олинган ҳосилни пешма-пеш Россия Федерацияси ўлкаларига жўнатаяпмиз. Бу эса хўжалигимиз хазинасига мўмайгина валюта бўлиб тушади, дегани...

Суратда: Тошкент туманидаги Н.Абдурахмонов номли ширкат хўжалигининг 1-бригадасига қарашли оилавий пудрат раҳбари, моҳир боғбон Мирқосим ота Мирзаахмедов.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинган кун

АЗИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ АЗИЗ ТИМСОЛИ

Кечагидек эсимда: 1992 йил 2 июль. Мамлакатимиз Парламенти мажлиси тафсилотларини ойнаи жаҳон орқали кузатиб, тинглаб турган эдим, суҳандоннинг **«Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида»**ги Қонун ҳақида берган ахборотидан ҳаприқиб кетдим ва жон қулоғим билан эшита бошладим: **«...Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса қийғос очилган пахта чаноқларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради.**

Гербнинг юқори қисмида саккиз бурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз, марказида Ҳумо қуши тасвирланган. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган...»

Ҳа, биз учун суюк ва буюк ана шу ёрқин тасвирдаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маънолар мужассам.

Гербда ўз ифодасини топган жаннатмонанд диёримиз ҳуснтароватига ишорат этувчи манзаралар — тоғ, дарё, буғдой бошоғи, пахта чаноқлари ёки халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидлари ифодаси — қуёш, ярим ой, юлдуз, жамиятимиз жипслиги белгиси — мусамман, яъни саккиз қиррали юлдуз, шунингдек, омад, ҳиммат, олижаноблик, эрксеварлик ва фидойилик рамзи бўлган афсонавий Ҳумо қуши — буларнинг барчаси миллатимиз, халқимиз ҳаёти, тарихи, руҳияти ва анъаналари билан чамбарчас боғлиқ тимсоллардир.

Биргина Ҳумо қуши тасвирини олинг: у минг-минг йиллардан бери афсоналарда гўзал қуш қиёфасидаги бахт, тақдир ва бадавлатлик тимсолида тасаввур этиб келинади. Шу маънода, Гербимизнинг қоқ ўртасида қанот қоқиб турган Ҳумо мамлакатимиз бахти, тақдири ва бадавлатлигига мумтоз бир ишора. Ва шу боисдан Ватанимиз рамзлари — Байроқ, Мадҳия сингари Гербимиз ҳам **«Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тўғрисида»**ги қонун билан муҳофазаланади.

Ўзини келажаги буюк давлат — Ўзбекистон фуқароси деб билган ва ўз мамлакати, ўз миллати билан фахрлана олган ҳар бир инсон борки, Гербимизни ҳамда бошқа ижтимоий-сиёсий қадриятларимиз — давлатимиз рамзларини саждагоҳ каъбамиз — Ватанимиз сингари азиз, лазиз, муқаддас билгусидир.

Ватан тимсолини эъзозлаш — бу қадр-қимматини, халқига, мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш ҳамдир.

Раъно ХЎЖАҚУЛОВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Яккасарой туман кенгаши тумандаги кўзи ожизлар жамиятида учрашув ташкил қилди. Партия фаоллари ЎзХДПнинг юртимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб бердилар. Жамият аъзоларининг уй-жой, коммунал хизмат масалаларидаги қатор саволларига, партиянинг бу борада олиб бораётган сиёсати, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг амалий ишлари асосида жавоб бердилар. Шунингдек, ишитрокчилар Андижонда юз берган воқеаларга ҳам ўз муносабатларини билдириб, террорчиларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралашдилар.

ЎзХДПдан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати О.Ёқубжонов Андижон қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, институт қошидаги лицей-интернат ўқитувчи ҳамда ўқувчилари билан учрашув ўтказди. Депутат Андижонда юз берган воқеалар ҳақида тўхталиб, бундай ёвуз кимсаларнинг мақсади халқни алдаш, ўз танлаган йўлимиздан чалғитиш эканлигини таъкидлади. Иштирокчилар Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» номли китобининг мазмун-моҳияти, унда кўтарилган масалалар ҳақида фикр юритдилар.

Гурлан туман кенгаши ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида туман маданият ва истироҳат боғида «Гиёҳвандлик — умр кушандаси» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган тиббиёт ходимлари, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари ёшларга гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари, тараққиётга таҳдиди ҳақида гапириб бердилар.

Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан партия фаолларининг ал-Хоразмий номли 48-сон лицей-интернатда битирувчи ёшлар билан «Сени Ватан кутади» мавзуида учрашуви ташкил қилинди.

Хива туман кенгаши ва қатор жамоат ташкилотларининг шу ердаги бўлимлари ҳамкорлигида 3 та маҳаллани бирлаштирган Янгиобод шаҳарчасида Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган «Биз соғлом турмуш тарзи учун курашамиз» шиори остида спорт тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ГУЛИСТОН. (ЎзА, Д.Эсонова). 86 минг 749 гектар майдонда ғалла етиштирган сирдарёлик деҳқонлар ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 162 минг тоннадан зиёд ғалла ва 1,5 минг тонна сара уруғлик етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш учун ўрим-йиғимга жалб этилган 154 та комбайннинг юқори унум ва сифат билан ишлаши таъминланди.

СИРДАРЁЛИКЛАР МАРРАДА

Эришилган муваффақиятда йиллик режани биринчилардан бўлиб бажарган Сирдарё, Ховос, Сардоба туманлари ғаллакорларининг ҳиссаси катта бўлди.

Шуниси эътиборга моликки, етиштирилган ҳосилнинг деярли 96 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди. Абдулла Қодирий номли, «Чўлда баҳор», «Мустафокул», «Олимжон», «Тиннибек бобо» каби фермер хўжаликларида ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ҳосил олинди.

Ўрим-йиғимни жадал давом эттираётган вилоят деҳқонлари давлатга топшириладиган ғалла салмоғини 165 минг тоннага етказиш ва яна 1,5 минг тонна уруғлик тайёрлаш ниятида самарали меҳнат қилмоқда.

ФОЙДАЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ТАШРИФ

Германияда нашр этиладиган «Ост-Вест-контакт» журналининг июнь ойи сонида «Лойиҳаларни амалга ошириш учун сабр қилиш керак» номли мақола эълон қилинди. Унда ГФР иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги давлат котиби Б.Пфаффенбах бошчилигидаги немис ишбилармон доиралари делегациясининг яқинда Ўзбекистонга уюштирган сафари тафсилотлари қаламга олинган.

Мақола муқаддимасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолатига шарҳ берар экан, муаллиф К.Морозоф мамлакат ялпи ички маҳсулоти олти фоизга ўсгани ва ўтган йили ташқи савдо айланмаси ҳажми ҳам ортганини алоҳида таъкидлайди. У икки йил олдин мамлакатда жорий қилинган валютани эркин айирбошлаш Халқаро Валюта Жамғармаси талабларига тўлиқ мувофиқ эканлигини ҳам қайд этади.

Мақолада савдо ва сармояларга доир ўзбек-немис ишчи гуруҳи фаолиятининг қайта тикланганлиги мамнуният билан тилга олинади. Муаллиф делегация аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ўринбосари В.Голышев билан учрашуви ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг кўпгина соҳаларда хорижий сармоядорлар учун яратилган янги имтиёзлар ва қулайликлар, Ўзбекистонда давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнлари, чет эллик сармоядорлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалари журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Германиялик меҳмонлар Фарғона водийсида ҳам бўлишиб, у ерда вилоят маъмурияти ва маҳаллий ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказдилар. Немис ишбилармонлари «ЎзДЭУавто» заводида, замонавий ускуналарининг бир қисми «Текспроект» ва «Юнионматэкс» номли немис компаниялари томонидан етказиб берилган «Ойим-текстиль» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида, шунингдек, «Эвимекс» фирмаси иштирокида ташкил этилган «Ўзсаламан» қўшма корхонасида ҳам бўлдилар.

Германиялик меҳмонлар Қўқон ва Тошкент шаҳарларидаги тарихий ва меъморий ёдгорликлар билан танишдилар.

«Жаҳон» АА.

Луқма

СУВИНГ ТОЗАМИ, БОЛАКАЙ?

Саратон. Қуёш беомон қиздирмоқда. Ҳамма салқин жой топиш пайида. Сув, шарбат, айронфурушларнинг бозори чаққон. Соябон тагида ўтириб сув сотаётган йигитчанинг қўли-қўлига тегмайди. У стаканларни номига чайиб, навбатда турганларга сув узатади.

— Укам, станканни яхшироқ чайгин. Ахир ҳар хил одам бор, касали бўлса юқади, — дедим қўлидаги стаканга қараб. — Қара, кимнингдир лабидаги қизил бўёқ юқиб қолибди.

— Ака, яхшилаб қаранг, бу краскамас, памада, артса кетади.

— Буни яхшилаб ювиш керакда, укам, — деб гапга қўшилди навбатда турганлардан бири.

— Жуда бошни қотирдинглар-ку, идиши тоза жойдан сув ичинглар, қани кеб қолинг, — деб навбатда турганларга сув қуя бошлади ҳалиги йигитча.

— Бир чақали сувни сўмлаб сотяпсан. Шундай бўлгач, озгина инсоф керак. Стаканни эринмай чайсанг, олам гулистон, — деди навбатда турган отахон насиҳатомуз.

— Кўриб турибсиз, бақдаги сувни аямасам бўлмайди, эрталаб тўлғизиб келгандим, тугай деб қолди.

— Сувинг тозами, уни қаердан оласан? Қудуқдан тортиб олмасанг керак.

— Қудуқ қаёқда? Крандан олади-да! — луқма ташлади сувни ичиб стаканни узатаётган киши.

— Бу оддий сув эмас, газли. Ранглиси 50 сўм, оқи 25 сўм. Ҳаммаси ҳисоб-китобли, кечқурун касса қиламиз, хўжайин уришади, — зарда қилди йигит.

Қаранг бир стакан чанқовбосди сув устида шунча машмаша. Шу ўринда битта гап. Ҳозир тангалар бор, боз устига сероб. Улар бемалол айланяпти. Демак, танга ташлаб, сув ичадиган автомат сув қуйгичларни ишлатиб қўйса бўлмасмикин? Шунда стаканларни ҳар ким дидига қараб чаяди. Навбат ҳам бўлмайди, жанжал ҳам.

Энг муҳими, автоматдаги пул ҳисоб-китобли бўлади. Сувни бемалол ичасиз. Наҳотки, шу муаммони ҳал қиладиган, аввалги автомат сув қуйгичлар қаерда қолганлигини ўйлаб кўрадиган бирор ташкилот йўқ бўлса?! Шаҳри азим Тошкентда бордир чанқаганларнинг ҳожатини чиқарадиганлар?

Қолаверса, илгари ҳар қадамда кўчма бочкаларда сотиладиган «Квас», «Морс» деган чанқовбосди ичимликларни ташкил этиш вақти эмасми, ҳозир? Шаҳар савдо департаментидагилар бу ҳақда ўйлаб кўришар, деб умид қиламиз. Бошқа ваколатли ташкилотлар ҳам кўча-кўйда, бозор жойларида турли хил идишларда сотилаётган, олинган жойи, тозалиги, безарарлиги номаълум сувлар ва бошқа чанқовбосди ичимликларга эътибор қаратса, фойдадан холи бўлмайди албатта.

Юнус ЗИЁДОВ

Қадрият — ўзликни англаш

ШОҲИ ЗИНДА — УЛУҒ ҚАДАМЖО

XI-XIX асрлар давомида шаклланиб, бугунги кунда йигирмадан зиёд биноларни ўз ичига олган ёдгорлик мажмуида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда





Муаззам Самарқандннинг ҳар бир гўшаси табаррук, замини муқаддас. Унинг қай бир маҳалла, гузарида бўлманг, ўтмишдан ҳикоя қилувчи осори-атиқалари, зиёратгоҳларини учратасиз. Шоҳи Зинда ансамбли нафақат Самарқандда, балки Марказий Осиёда ҳам қадимий ва машҳур тарихий меъморчилик мажмуи ҳисобланади.

— Шоҳи Зинда — «Тирик шоҳ» номи билан машҳур бўлган Қусам ибн Аббос пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиваччалари бўлган, — дейди самарқандлик тадқиқотчи олим Комилхон Каттаев. — Ўлмас VII асрда Самарқандга келган ҳамда юртимизда ислом динини илк бор тарғиб қилган кишилардан бўлган. Бир неча муддат шаҳарда ҳокимлик қилади. Ривоятларда айтилишича, Намозгоҳ масжидида ийд Қурбон намозини адо этаётган Қусам ибн Аббос ва ҳамроҳлари устига қўққисдан ҳужум қилган оташпараст зардуштийлар мусулмонларни қатл этишади. Навбат шаҳзода Қусам ибн Аббосга келганда у киши намозни адо этгани ҳамоно масжид меҳробига бир ишорат қилган ва меҳроб ёрилиб, шаҳзода қудуққа кириб кетган эканлар. Шу-шу Қусам ибн Аббоснинг қабри ва у

билан боғлиқ жой «Тирик шоҳ», яъни Шоҳи Зинда номини олиб, бу ер кейинчалик қўплаб улуғ зотлар дафн қилинган қадамжога айланиб кетган.

Илк бор (1118-1157 й.) салжуқийлар томонидан бунёд этилган мажмуада Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида қайта тиклаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилган эди. Оддий ёғочдан ясалган қабрга қимматбаҳо нақшинкор тош қўйилади. Эрон, Ҳиндистон, Шом (Сурия) мамлакатларидан келтирилган моҳир усталар маҳаллий меъморлар билан биргаликда кўркам мақбара бунёд этадилар. Соҳибқирондан сўнг унинг набираси Мирзо Улуғбек бобосининг бу хайрли ишини давом эттиради.

Темурийлар ҳукмронлигидан сўнг мақбарада деярли таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Узоқ йиллик Қизил империя даврида қадамжо бутунлай эътибордан четда қолди. Шундай бўлсада, халқнинг Шоҳи Зиндага ихлоси сўнмади. Ҳатто таъқиблар замонида ҳам одамлар бу жойни зиёрат қилиб, ўз дилларини покладилар.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз тикланди, ўнлаб қадамжолар қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги **«Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»**ги қарори эса халқимиз ўтмиши, тарихига бўлган эътибор ва эҳтиромнинг яна бир рамзи сифатида намоён бўлди. Қарордан сўнг қадамжода кенг қўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланди.

— Ҳукуматимизнинг ушбу қароридан сўнг Шоҳи Зинда жамоатчилик жамғармаси ташкил этилди, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқов. — Жамғарма ёдгорлик мажмуида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боради. Шунингдек, у мазкур мўътабар масканнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, зиёратга келаётган маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг қўламдаги зиёратларини уюштириш ҳамда зиёратчилар учун барча шарт-шароитларни яратиш ишларини амалга оширади.

Бугунги кунда бу ерда Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан келган мутахассислар ҳамда вилоятимиздаги 2-механизациялашган кўчма жамланма жамоаси қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда. Шу кунга қадар мажмуада режадаги ишларнинг ярмидан кўпи бажарилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларида бюджет маблағларидан ташқари ҳомий ташкилотлар ёрдамидан ҳам фойдаланилмоқда. Бугун Шоҳи Зинда мажмуасига келган киши бу ерда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб, уни таний олмаслиги тайин.

Самарқанд — сайёҳлар шаҳри. Шу боис яратилаётган шароитлар шаҳарликлару меҳмонларга ҳар тарафлама қулай бўлиши керак. Эндиликда шаҳарнинг юраги бўлмиш Регистон ансамблини томоша қилган кишига Бибихоним масжид-мажмуаси яққол кўриниб туради. Бир томондан Шоҳи Зинда зиёратгоҳи ўзининг юксак меъморий услуби билан киши эътиборини тортади. Гўри Амир мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним масжиди ва Шоҳи Зинда мажмуалари оралиғидаги кўримсиз бинолар бузилиб, уларнинг ўрнида кўркам хиёбонлар, боғроғлар бунёд этилмоқда.

— Кўп йиллардан буён шаҳримиз, қолаверса, мамлакатимиздаги турли тарихий обидаларни тиклашда ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, — дейди самарқандлик машҳур нақшинкор уста М.Маҳмудов. — Машаққатли ва мураккаб касбимиз ортидан кам бўлмадик, элнинг дуосини оляпмиз, халқнинг орасида ҳурмат-эътибор қозондик. Уч нафар фарзандим ҳам менинг касбимни эгаллашди. Шундай улуғ қадамжоларда меҳнат қилар эканмиз, чарчаш нималигини билмаймиз. Чунки савоб ишда аждодлар руҳи мадад беради. Қурилиш-таъмирлаш ишларига Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Хоразмдан ҳам юзлаб ҳамкасбларимиз ёрдамга келишган.

Мажмуада таъмирлаш ишлари кетаётган бўлишига қарамай зиёратчиларнинг кети узилмайди.

— Самарқанднинг ҳар бир қарич ери муқаддас, — дейди Навоий вилоятидан келган 90 ёшли отахон Олим Юсупов. — Шоҳи Зиндани зиёрат қилишни кўнгилга тугиб қўйган эдим. Бу ерда халқимизнинг азиз-авлиёлари ётибди. Уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатмасак, қадрламасак бошқа ютуқларимиз ҳақида ўйлаш ножоиз. Бугун зиёратгоҳни, унинг атрофидаги ўзгаришларни кўриб, рости танимай қолдим. Шаҳарда-ку бутунлай катта ўзгаришлар бўлаяпти. Шундай хайрли ишларнинг бошида турганларга минг раҳмат.

Яна бир гап. Мақбарага кириб борганда ҳар бир киши Қусам ибн Аббос ҳоки пойларини зиёрат қилиш учун 40 пиллапоялик зинадан чиқиб боради. Бу зиналар ҳақида халқимиз орасида турли ривоятлар юради. Мажмуа илмий ходими Ҳамроқул Қаюмов бу ҳақда шундай дейди:

— Қусам ибн Аббос мақбарасида зиналар сонини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Кимки зиналар сонини қирқта санаса унинг гуноҳи йўқ, агар у қирқтадан кам чиқса гуноҳлари кўп, деб талқин қилишади. Аслида бу нотўғри. Ҳазрат Расулуллоҳга Аллоҳ томонидан ваҳий келганда 40 ёшда бўлганлигига ишора бор, дейилса, ҳақиқатга яқин бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир зинага қадам қўйганингизда намоз ўқиётгандаги каби сажда қиласиз. Бунда кўнглингизда Аллоҳдан зиёратга етказиш ниятини сўрайсиз. Булар турли тахминлар, албатта.

Бугун қисқа фурсатларда замонавий қиёфа касб этаётган мажмуа ишида бутун шаҳар аҳли, қолаверса, вилоят жамоатчилиги хайрли амаллари билан фаол қатнашмоқда. Зеро, вақт тўхтамайди. Қилаётган ҳар бир иши тарих зарварақларига муҳрланишини ўйлаган халқни эса аждодлар руҳи доим қўллайди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: таъмирлаш ишлари жадал кетмоқда.

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

Инвестиция киритиш кўпаяди

Кеча ХХР раиси Ху Цзиньтао Москвага ташриф буюрди. У Россияга Хитой инвестициялари киритилишини кўпайтириши ҳақида маълум қилди.

ХХР раиси 2010 йилгача Хитой ва Россия орасидаги савдо ҳажмини ҳозирги 20 миллиарддан 70-80 миллиардгача ошириш лозимлигини айтди.

27 ҳукумат ҳамкорлигида

БМТ океанографлари 27 мамлакат ҳукуматлари билан биргаликда Ҳинд океанида рўй берадиган цунами ҳақида олдиндан огоҳлантириш тизими лойиҳасини мувофиқлаштириб олишди. Сувости узатгичлари ва тармоқлардан ташкил топган янги тизим яқинлашиб келаётган хавф ҳақидаги маълумотни қирғоқ яқинида яшайдиган аҳолига етказишни таъминлайди.

ЮНЕСКОнинг океанографик комиссияси бу тизим бир йилдан кейин ишга тушиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Ҳинд океани яқинидаги давлатлар қўшни тизимлар билан боғлиқ бўлган ўз марказларини ташкил этишади.

Бош вазир тайинланди

Ливан президенти Эмиль Лахуд собиқ молия вазири Фуад Синиорани бош вазир этиб тайинлади.

Синиора бу йил ўлдирилган собиқ бош вазир Рафиқ Харирийнинг маслақдоши эди. Синиора парламент аъзоларининг кўпчилик овозини олди.

Янги бош вазир номзоди Саад Харирий бошчилигидаги парламент блоки томонидан тавсия этилганди. Суриядга қарши кайфиятдаги сиёсатчилардан иборат бўлган бу блок парламентда кўпчиликни ташкил этади.

Ноқонуний муҳожирлар сони ноаниқ

Буюк Британия Ички ишлар вазирлигининг маълумотига қараганда, мамлакатда 570 мингга яқин ноқонуний муҳожир истиқомат қилади.

Британия ҳукумати уларни ҳисоблаб чиқишга биринчи марта қўл урди. Бундан олдин бош вазир Тони Блэр уларнинг аниқ сонини билишнинг иложи йўқлигини айтган эди.

Мамлакатнинг муҳолифатчи консерваторлар партияси миграция сиёсати оғир аҳволда эканлиги ва бу рақамларни сайловолди жараёнида эълон қилиш кераклигини билдирди.

Нисбийлик назарияси 100 ёшда

Бундан роппа-роса 100 йил олдин Германиянинг «Физика ажойиботлари» журналига одамзотнинг олам ҳақидаги тасаввурини ўзгартириб юборган мақола қўлёзмаси келиб тушган эди.

Бу мақола муаллифи ҳали ҳеч ким танимайдиган 26 ёшли божхона хизматчиси Альберт Эйнштейн бўлган.

Мазкур мақола олимнинг вақт ва оралиқ табиати борасидаги туркум ишларининг дастлабкиси эди. Кейинчалик бу ишлар нисбийлик назарияси, деб ном олди.

Бир неча йил давомида ёш олим Ньютоннинг классик физикаси ва Максвеллнинг ёруғликнинг электромагнит табиати ҳақидаги янги назариялари орасидаги зиддиятлар устида бош қотирди.

Бугун Эйнштейн асос солган нисбийлик назарияси асосида космик аппаратлар ва сунъий йўлдошлар ҳаракати ҳисоблаб чиқилади. Бу Эйнштеннинг замонавий физикага қўшган улушларидан бир қисмидир.

ОЛИМПИЯ ПОЙТАХТИ НОМИНИ ОЛИШ УЧУН

Маълумки, 6 июль куни Сингапурда Халқаро олимпия қўмитасининг 117-сессияси ўтказилади. Унда 2012 йили бўладиган Олимпия ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлардан бири танланади. Лондон, Москва, Париж, Нью-Йорк, Мадрид шаҳарларидан қайси бири Олимпия пойтахти номини олишини эса нуфузли ҳайъат ҳал қилади.

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр шу куни Шотландияда уюштириладиган «Саккизлик» саммитида эмас, балки Сингапурда ўтказиладиган ХОҚ сессиясида иштирок этишни мўлжалламоқда. Шунингдек, Франция президенти Жак Ширак ҳам Олимпия пойтахти тақдимотида иштирок этишга ҳозирлик кўраяпти. Ана шу тадбирдан кейин ҳар иккала раҳбар Шотландияга қайтиб, саммитда қатнашадилар.

Сингапурда Москва номзодини ёқлаш учун Россия Бош вазири Михаил Фрадков ёки унинг ўринбосари Александр Жуков борадиган бўлди. Москва мэри Юрий Лужков эса сессияда инглиз тилида гапирмоқчи. Шунингдек, Россия вакиллари орасида ХОҚнинг биринчи вице-президенти Виталий Смирнов, Олимпия чемпионлари Ирина Роднина билан Александр Попов, Дмитрий Сватковский ва бошқалар бор.

ФИГУ «МОСКВА»ГА ЎТАРМИКАН?

«Москва» футбол клубининг бош менежери Юрий Белоус Мадриднинг машҳур ярим ҳимоячиси Луиш Фигуни сотиб олиш бўйича музокаралар юритилаётгани ҳақида баёнот берди.

Унинг фикрича, узоғи билан бир ҳафта ичида «Москва» таклифига Фигу жавоб бериши керак экан. Қизиғи шундаки, Португалия мухбирларининг фикрларига қараганда, Фигу ўз клубидан Испаниянинг «Валенсия», «Атлетико» ва Англиянинг «Вест Хэм» жамоаларига ўтишни режалаштирмоқда. Бундай олди-бердилар Фигуга 20 миллион евро келтириши мумкин. Ваҳоланки, бу футболчи Мадридда йилига 6 миллион сармоя топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг 2005 йил 22 июндаги 2-сон баённининг 5-бандига биноан:

Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 15-моддаси, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни 23-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом»нинг V бўлим 25-банди, VI бўлим 28-бандига мувофиқ, «РАСТР» қўшма корхонаси нашриётининг 00039-, «Университет» нашриётининг 00053-, «Имом ал-Бухорий жамғармаси» нашриётининг 00067-сон лицензияларининг амал қилиши тугатилган, деб ҳисоблансин.

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

ОЙҚОР ТОҒЛАРИДЕК ТАБАРРУК МОМО

Асал момо билан ҳовлида кўришдик. Тут дарахти соясида чевараларига эртак айтиб ўтирган экан. Хатти-ҳаракатлари, қадди-қоматини тутишини кўриб, бир асрдан кўп яшаганига ишонгингиз келмайди. Тетик, бардам. Суҳбатлашишга ҳам дарҳол рози бўлдилар:

— Умрим меҳнат билан ўтди. Ҳеч қачон бировларга ҳасад қилмадим. Одамларга, атрофдагиларга меҳр-муҳаббатли бўлдим. Кайфиятим доимо яхши, оиламда ҳамиша осойишталик бўлишига ҳаракат қилдим. Ҳаром-харишдан, нопок ишлардан сақландим. Баъзан тўқ, баъзан оч бўлсам-да, сабру қаноатни унутмадим. Турмуш ташвишларидан қийналган кезларимда ёруғ кунларга умид қилиб яшадим. Яратганга шукрки, бир юз бешга кирдим, бугунгидай дориломон кунларни кўрдим.

Айни пайтда Асал момонинг атрофида уч ўғли-ю уч қизи, келинлари, куёвлари, олтмиш икки невараси, ўттиз саккиз чевараси парвона. Тоғлар бағридаги Ўсмат қўрғонида истиқомат қилаётган тўнғич фарзанди Ўрол аканинг хонадонидан қадам узилмайди. Фарзандлар, неваралар, чевараларга момонинг гаплари, ривояти ҳикоялари, маслаҳату насиҳатларидан баҳраманд бўлишни исташади. Момонинг ўзи ҳам чевараларидан бирини етаклаб, гоҳида ўғлиникига, гоҳо қизиникига, гоҳида неварасиникига йўл олади. Бир-икки чақирим масофани бемалол пиёда босиб ўтади. Неварасининг «машинада олиб бориб қўяман», деганига кўнмайди.

— Раҳматли Ботир бобонгиз чўпон ўтган, — дея турмуш ўртоғини хотирлайди Асал момо. — Мен ҳам у киши билан бирга тоғу тошларда мол боққанман. Ҳар куни 5-10 талаб сигир, 20-30 талаб қўй-эчки соғардим, қорин-қорин мой олардим. Эркаклар урушга кетиб, ҳамма иш аёлларга, болаларга қолди. Қаҳатчилик, очарчилик замонларини ҳам кўрдим.

— Отамиз оламдан ўтгач, онам бизни ёлғиз боши билан вояга етказди, — дейди Ўрол ака. — Ҳаммамизни уйли-жойли, касбу корли қилдилар, элу юртга қўшдилар. Биз энди у кишининг ҳурматларини ҳар қанча жойига қўйсак арзийди.

— Тоғларнинг ҳавоси ҳам, суви ҳам тоза бўлади, — дейди Асал момо ҳали тепасидан қор аримаган Ойқор чўққиларига қараб. — Умрим ана шу тоғлар бағрида ўтди. Шунданмикан, ҳартигул, бетоблик нималигини билмадим, касалхонада ётмадим. Болаларим, невара-ю чевараларим ҳам соғлигидан нолишмайди. Бир сирни айтай: кўп ҳаракат қилган одам соғлом бўлади, яқловнинг боши касалдан чиқмайди. Ёмғир дарахтлардаги чанг-ғуборларни ювганидай, ҳаракат ҳам баданни ҳар хил касалликлардан тозалаб туради-да.

Табаррук ёшга етган момонинг гапларини тинглаяпмизу, чеҳрасидан нур ёғилиб турган, шу ёшда ҳам қомати адл бу фариштали онахоннинг дуосини олгимиз келди:

— Оналарнинг тилаги битта, момогинанг айлансин. Яратгандан юртимизга тинчлик, дастурхонимизга файзу барака ато этишини сўраймиз. Ҳозиргидай замонларнинг қадрига етиб яшанглар, уни асраб-авайланглар. Умримизни, ҳаётимизни аввало ўзимиз эҳтиёт қилайлик. Шунда менга ўхшаб юзга кирган, юздан ошганлар кўпаяди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: бир юз беш ёшли Асал момо Жўраева.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Янги китоб

ДИНШУНОСЛИК БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

Кейинги йилларда нашр этилган бир қатор қимматли илмий-адабий асарлар китобхонлар диққат-эътиборини ўзига тортибгина қолмай, маънавий ҳаётимизда ҳам сезиларли воқеа бўлмоқда. Улар орасида «Диншунослик» дарслик китоби ўзига хос аҳамият касб этади. «Меҳнат» нашриётида босилган ушбу китоб академик Неъматилла Иброҳимов масъул муҳаррирлигида, таниқли диншунос олим, тарих фанлари доктори Аширбек Мўминов, фан номзодлари Ҳайдархон Йўлдошхўжаев, Дурбек Раҳимжонов, Музаффар Комилов, Абдулла Абдусатторов, Абдуҳаким Ориповлар томонидан ёзилган.

Китобнинг алоҳида аҳамиятга молик жойи шундаки, биринчидан у мустақиллик даврининг маҳсули бўлиб, ҳар хил тазйиқлардан озод шароитда, илмий салоҳиятга эга бўлган муаллифлар томонидан таълиф этилган. Иккинчидан, унда фақат илмий тамойилларга эътибор қаратилган, турли сиёсий мафкуралар ва диний-ғоявий қарашлар таъсиридан холи. Учинчидан, ушбу китоб мустақилликдан кейин долзарб масалага айланган динлар моҳияти ва тарихи бўйича халқимиз, айниқса, ёшларимизга ҳақиқий ва холис маълумотларни бериш билан бирга, уларнинг бу борадаги дунёқарашини такомиллаштиришга қаратилган.

Китобнинг бошланғич қисмларида таъкидланганидек, Марказий Осиёдаги Мовароуннаҳр ўлкаси қадим замонлардан бери нафақат илму фан, санъат, балки турли дин ва мазҳабларнинг ҳам маркази бўлиб келган. Минтақамиз халқлари қайси динга мансуб бўлишидан қатъи назар, бошқа дин вакиллари билан бағрикенглик асосида ҳаёт кечиришган. Албатта, дин инсоннинг табиий эҳтиёжларидан бири сифатида унинг ақлий такомили ва маънавий тарбиясида инкор этиб бўлмайдиган ўринни эгаллайди ҳамда уни комиллик, яъни руҳий ва ахлоқий поклик сари йўллайди.

70 йиллик тоталитар тузум даври шуни кўрсатдики, динни инсон ва жамият ҳаётидан сиқиб чиқариш мумкин эмас экан. Эришилган аччиқ тажрибалар инсоннинг табиий-руҳий хусусиятларини ўзгартириш амри маҳол эканини, диний амалиёт эркинлиги қанчалик тор бўлмасин, имон-эътиқод туйғулари кишилар онгида, руҳ ва виждонида сақланиши, уни йўқотиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаслигини исботлади.

Китобнинг кириш қисмида

динни ўрганиш зарурлиги, жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг таърифи ва тарбиявий таъсири, диншунослик соҳалари ҳақида атрофлича сўз юритилган. Жумладан, диннинг жамиятдаги ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифалари беш турга бўлиниб, ҳар бир тури алоҳида ўрганилган, динларнинг турли гуруҳларга тасниф этилиши хусусида сўз юритилган.

Дарсликнинг «Диннинг ибтидоий шакллари» деб аталган бобида диний онг асосларига боғлиқ ҳолда диний эътиқоднинг юзага келиш шакллари, диний маросим, турли диний тушунчалар ва илк динларга изоҳ берилади. Шу билан бирга бошланғич мифология ва неолит давридаги диний тасаввурлар ҳам ёритилади.

Ушбу китобда Узоқ Шарқ динлари — конфуцийлик, даосизм, шунингдек, Японияда тарқалган айрим динлар ҳақида маълумот берилиб, уларнинг таълимоти, фалсафий ғоялари, тарқалиш сабаблари, нуфуз ва таъсири ҳақида сўз юритилади. Марказий Осиё динлари хусусидаги бобда эса зардўштийлик дини Авесто китоби билан алоҳида таҳлил қилинади.

Китобда ғарб динларидан яҳудийлик, христианлик, шунингдек, манихеизм (монийлик) ҳақида ҳам бир талай маълумотлар келтирилган. Шунингдек, ислом динининг тарқалиши ва Марказий Осиёга кириб келиши, асосий манбалари, имон ва эътиқод асосларига имон келтириш, Қуръоннинг тўпланиши, ҳадислар тўпламлари, ислом илоҳиёти (мўътазила, ашъария, мотуридия мазҳаблари) таҳлилий ёритилади.

Мустақил Ўзбекистонда динга кўрсатилаётган эътибор, диний экстремизм ва фундаментализм оқимлари ҳақидаги қисм китобнинг муҳим ва асосий бобларидан биридир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, собиқ совет даврида тақиқланиб, илмий истеъмолга киритилмаган кўплаб диний билимларни истиқлол туфайли олимларимиз тадқиқ этиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишга муяссар бўлдилар. Ушбу китоб диншунослик соҳаси бўйича катта аҳамиятга эга бўлиб, нафақат талабалар, балки турли ижтимоий фан соҳалари мутахассислари, зиёлилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

Абулҳаким Шарқий ЖЎЗЖОНИЙ,
Тошкент ислом университети ислом ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди

«ҚЎНГИЛ ЁҒДУСИ»

Ижодкор учун ўзининг кўнгил кечмишларини, юрагидан отилиб чиққан дил изҳорларини ўқувчисига тақдим этишдек бахт бўлмаса керак. Яқинда самарқандлик шоир Исматулло Йўлдошевнинг «Кўнгил ёғдуси» деб номланган рубоийлар тўплами нашрдан чиқди.

Китоб сўзбошисида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов мана бундай илиқ сўзларни шоирнинг мухлисларига тақдим этади: *«Ижодкор учун касбнинг катта-кичиги бўлмайди. Буни жаҳон адабиёти майдонида қалам сурган ижод аҳли ҳаёти ва фаолиятидан яхши биламиз. Токи, инсоннинг кўнглида эзгулик уруғи бор экан, у униб-ўсади, гуллайди ва ҳосил беради. Мен бу ҳолатни Исматуллонинг ижодида ҳам кузатганман. Ўз соҳасининг ўта жиддийлиги ва мураккаблигига қарамасдан, шоир ижод онларида табиий эҳтиросларга оғушида сарҳуш бўлади, ҳайрат шууридан беором юрак зарблари қоғозга рангин шуъалар бўлиб тўкила бошлайди. Зеро, шоирлик бахти, унинг қувончи ҳам ана шунда...»*

Эътиборли томони шундаки, тўпламдаги рубоийлар ўзбек тилида кирилл ва лотин алифболарида ҳамда рус тилида берилган. Бу ҳам ўқувчиларга маълум маънода енгиллик туғдиради.

Бундан илгарироқ истеъдодли шоирнинг «Ҳавас», «Бир ҳовуч офтоб» номли тўпламлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган эди. Унинг навбатдаги ушбу тўплами эса ижодкор тафаккурининг бетакрор лаҳзалар оғушидаги уйғоқ парвози сифатида шеърият мухлисларининг кўнгил мулкига айланса ажабмас.

Маъмуржон МАҲМУД

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ 999-ТЎПИ

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионати олий лига жамоалари биринчи давранинг сўнгги тур учрашувларини бошлашди. Шу куни мухлислар тўртта шаҳарда қизиқарли ва ҳужумкор ўйинларнинг гувоҳи бўлдилар.

13-турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Пахтакор» — «Навбаҳор» жамоалари ўртасида ўтказилди. Муросасиз ва тенг курашлар остида кечган мазкур ўйин мезбонлар ғалабаси билан якунланди — 2:0. Рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олган Александр Гейнрих ва Леонид Кошелевлар ўз жамоасининг миллий чемпионатлардаги тўплари сонини 999 тага етказишди.

Шунингдек, кеча уюштирилган уч учрашувда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Бухоро» — 2:0, «Сўғдиёна» — Тўпаланг» — 1:0, «Шўртан» — «Машъал» — 0:5.

Бугун эса «Локомотив» — «Насаф», «Самарқанд-Д» — «Нефтчи» жамоалари ўзаро куч синашади. Эртага ўтказиладиган «Трактор» — «Қизилқум» ўйинидан сўнг олий лига жамоалари танаффусга чиқади. Иккинчи давра баҳслари эса 5 августда бошланади.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат биллур совринининг 1/4 финал баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра, юртимиз ишқибозлари чорак финал учрашувларида ажойиб футбол «спектакл»ларини томоша қиладиган бўлишди.

Кўпчилик бу йилги Ўзбекистон кубоги баҳслари финали мавсум чемпионлигига асосий даъвогарлик қилаётган «Насаф» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида ўтишини тахмин қилишаётганди. Аммо қуръа натижалари бу тахминни йўққа чиқарди. Чунки бу жамоалар чорак финалда ўзаро баҳс юритадиган бўлдилар. Демак, уйсафар тизимида уюштириладиган ушбу босқичнинг икки учрашувидан сўнг, «Насаф» ёки «Пахтакор»дан фақат биттаси биллур соврин учун курашни давом эттиради.

Қолган уч ўйинда «Машъал» — «Нефтчи», «Бухоро» — «Трактор», «Навбаҳор» — «Локомотив» жамоалари майдонга чиқади. Дастлабки учрашувлар номлари биринчи қайд этилган жамоалар майдонида ўтиши белгиланган. Ўйинлар сентябрда ўтиши режалаштирилган.

Эркин ХОЛБОБО

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

ТАРАҚҚИЁТ ҲАЛҚ БАНКИ — STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK — BANK XALQ BANKI

мижозларига 20 га яқин жозибадор омонат турлари билан бирга янги **«ФАРОВОН», «МАРЖОН»** ва **«ИСТИҚЛОЛ»** омонат турларини таклиф этади.

- «ФАРОВОН» — қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой, даромад миқдори йиллик 35% ҳисобида, бошланғич бадал 100 000 сўм.
- «МАРЖОН» — қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой, даромад миқдори йиллик 32% ҳисобида, бошланғич бадал 50 000 сўм.
- «ИСТИҚЛОЛ» — қисқа муддатли, ютуқли, сақлаш муддати 3 ой, бошланғич бадал 10 000 сўм, ютуқлар тиражи 2005 йилнинг сентябрь ойида Урганч шаҳрида ўтказилади, энг катта пуллик ютуқ миқдори 1 000 000 сўм.

Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2005 йилнинг 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади

Савдоларга Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчасида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

— *сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси.* ***Бошланғич нархи — 2 706 000 сўм;***

— *сатҳи 0,0189 га. бўлган ер участкаси.* ***Бошланғич нархи — 1 704 780 сўм.***

Ҳамда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 60-уйда жойлашган, майдони 5 955 кв.м. бўлган «Тошқишлоқмаш» ОАЖга қарашли алюминий қуйиш цехининг бино ва иншоотлари қўйилади. ***Бошланғич нархи — 200 129 800 сўм.***

2005 йилнинг 5,9,12,16,19,23,26,30 август кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 315-«А уйда жойлашган «Чуқурсой автокорхонаси» ОАЖнинг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

— *1972 й. и/ч, д/р 10АQ 132 бўлган «ЗИЛ-130Э» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 600 000 сўм;***

— *1989 й. и/ч, д/р 10 АQ 145 бўлган «ГАЗ-5312» русумли а/в.* ***Бошланғич нархи — 2 400 000 сўм.***

Шунингдек, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 1-бинода жойлашган Давлат дон инспекциясининг 1995 й. и/ч, д/р 10AL 513 бўлган «ВАЗ-21060» русумли автотранспорт воситаси. ***Бошланғич нархи — 711 073 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситалари учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Шунингдек, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 50-«А» уйда жойлашган «Тошметрострой» АЖнинг умумий майдони 2038,1 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий биноси бўйича савдо натижаси бекор этилганлиги маълум қилинади.

Ҳамда Тошкент шаҳар, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «V.P. CHKALOV nomli TOSHKENT AVIATSIYA ISHLAB CHIQARISH BIRLASHMASI» ДАЖнинг 1993 й. и/ч, д/р 10 AZ 089 бўлган «ЗИЛ ММЗ 554М» русумли автотранспорт воситаси бўйича савдо натижаси бекор қилинади. Ўз ўрнида ушбу объект 1 870 000 сўм бошланғич нарх билан 2005 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Гувоҳнома № 000815

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛОТИ

«REAL MEGAPOLIS»

2005 йил 3, 10, 17, 24, 31 август кунлари соат 10.00 да кимошди савдоларини ўтказади.

Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан тақдим этилган «Ўзйўлмашсервис» Давлат унитар корхонасига тегишли Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, О.Зокиров кўчаси, 87-уйда жойлашган ишлаб чиқариш цехи ва маъмурий бино, бошланғич нархи — 32 757 300 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уй.
Телефонлар: 398-88-14, 398-88-15.
Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000663

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 655

6560 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — 22.00
Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda